

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 12-noyabr, chorshanba № 91 (15833)



БЕТАКРОР МЕРОСИМИЗ, ГЎЗАЛ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

«Янги нигоҳ» иштирокчилари талқинида

Азим Хоразм вилоятида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан илк мартаба ташкил этилган «Янги нигоҳ» — видеороликлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилди.

«Янги нигоҳ» видеороликлар танлови Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш, медиамаҳсулотларнинг

кенг тарқалган тури — видеороликлар ёрдамида мамлакатнинг туризм салоҳияти тўғрисида кенг жамоатчиликни ҳабардор қилиш, ёшларда ватанпарварлик, бунёдкорлик ва янгиланишларга нисбатан фахр туйғуларини шакллантириш, юрт тарихига қизиқиш ва ҳурмат уйғотиш, ёш авлодни миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлашга ўргатишга қаратилган.

(Давоми 4-, 5-саҳифаларда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси 2014 йил 13 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 12 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

2014-yil — Sog'lom bola yili

Мақтабга тайёрлайдиган муҳим манба



Юртимизда илк бор мақтабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларнинг ота-оналари учун беш номдаги қўлланмалар тайёрланди. Тўпладан «Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш», «Математик тасаввурларни шакллантириш», «Соғлом танда — соғ ақл» китоблари, шеърӣ ва насрий асарлар ўрин олган.

Мазкур адабиётлар 5—7 ёшли болалар учун мўлжалланган. «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида жами 2,5 миллион нусхада чоп этилди ҳамда йил якунигача 436130та оилага бепул тарқатилади.

(Давоми 7-саҳифада)

«ОБУНА — 2015»



Ўзбекистон ёшларининг беш наشري — «Turkiston» 2015 йилда ҳам сизнинг наслиқдошингиз, ҳамроҳингиз бўлади.

«TURKISTON» САҲИФАЛАРИДА:

Мамлакатимизда, «Камолот» ҳудудида — ёшлар ҳаётида рўй бераётган долзарб мавзудаги мақолалар, оригинал лавҳалар, «Сухбатдош», «Амалиётчи», «Интерактив», «Табиатнома» сингари саҳифалар, «Истиқлол фарзандлари», «Ёш ихтирочи», «Сенинг тенгдошинг», «Санъат», «Спорт», «Билиб қўйган яхши» каби рукнлар, шунингдек, бутун оламдан қизиқарли воқеалар тафсилоти, теша тегмаган гаплар, ажабтовур фотолавлар...

«TURKISTON»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

Mustaqillik farzandlari

Дилнора Юсупалиева:

«ЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИДА ҚАТНАШМОҚЧИМАН»

Бу тенгдошимиз билан суҳбатлашишимиз осон бўлмади. Йўқ, у бизга рад жавобини бермади. Аксинча, самимийлик билан рози эканини билдирди. Шунчаки, унинг вақт ажратишини кутишимизга тўғри келди. Кейинчалик билдикки, унинг кун тартибидан жуда кўп ишлар ўрин олар экан: лицейдаги ўқиш, дарс тайёрлаш, кўшимча адабиётларни ўрганиш, уйда мустақил изланиш, бадий асарлар мутолааси...

Ниҳоят, кимё фани бўйича 48-халқаро Менделеев олимпиадаси совриндори Дилнора Юсупалиева билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

(Давоми 3-саҳифада)



САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунга асосан, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида 8 ноябрь кунини ушбу санага бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутаты, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Хўжамбердиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш, инсон манфаатларини муҳофазалаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашда юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг ҳуқуқий ва институционал базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасаларини модернизациялаш, замонавий илғор технологияларни тизимнинг барча йўналишларига изчил татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бирламчи тиббий-профилактика ёрдамнинг қўламини кенгайтириш борасида ўзига хос чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Бунинг натижасида жойларда уч мингга яқин қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникалар барпо этилиб, янги асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ушбу йўналишда фаолият юритадиган малакали мутахассислар тайёрлаш тизими яратилди. Бугунги кунда қарийб саккиз ярим минг оила шифокори ва ўн етти мингдан зиёд патронаж ҳамшира халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фаол хизмат қилмоқда.

«Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида амалга оширилаётган ишлар қўламини ҳам кенгаймоқда. Оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида тиббий-профилактика, перинатал, акушерлик ва гинекология соҳасига ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт ва репро-

дуктив саломатлик марказлари томонидан амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий лойиҳалар торабора такомиллашмоқда. Болаларни юқумли касалликларга қарши давлат томонидан бепул эмлашнинг миллий тақвими яратилиб, замон талаблари асосида янги-янги эмлаш воситалари билан бойитилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ва давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги



«2014—2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофазалаш қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида бу йўналишдаги ишлар қўламини янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш борасида шаклланди ноёб тизимлардан яна бири шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш марказларидир. Ушбу йўналишда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг жойларда 12 филиали, 173 бўлими фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда мазкур тиббий хизматнинг моддий-техник базаси ва автотранспорт паркни такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жаҳон андозалари даражасидаги тиббиёт муассасаларини барпо этиш ва жиҳозлаш учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга ортиб бораётди. 2012 йилда ушбу мақсадлар учун 256 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 300 миллиард

сўмдан ортиқни ташкил этди.

Жорий йилда Инвестиция дастури доирасида 137 иншоотни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун 407 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмаларига диагностика ва даволаш ишларида қўлланиладиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилмоқда. Мазкур тадбирлар тиббий хизмат сифатини ошириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган юксак натижалар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташиклари томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофазала-

қишлоқ врачлик пункти «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади ва «Damas» автомобили билан тақдирланди.

Самарқанд шаҳридаги 1-оилавий поликлиника «Энг намунали оилавий поликлиника» деб топилди. Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги «Кегейли» қишлоқ врачлик пункти шифокори Жарқиной Акмалиева «Иллинг энг фаол умумий амалиёт шифокори», Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Фарҳод-2» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси Феруза Аллашурова «Иллинг энг яхши патронаж ҳамшираси» номинацияси бўйича ғолиб бўлди. Шу билан бирга Тошкент вилояти Бўстонлик тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими санитария врачлари ёрдамчиси Карима Ҳайдарова «Энг яхши санитария-эпидемиология назорати маркази ходими» деб топилди. Танлов ғолиб ва совриндорларига қимматбахо совғалар топширилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғини, жумладан, бирламчи тиббий-профилактика муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида қишлоқларда ҳам аҳолига юксак технологиялар воситасида хизмат кўрсатадиган замонавий шифо масканлари барпо этилди, — дейди Ўзбекистон туманидаги «Даштмахалла» қишлоқ врачлик пункти мудирини Ёрқин Қўзиев. — Бизнинг қишлоқ врачлик пунктимиз ана шундай замонавий тиббиёт масканларидан биридир. Бугунги кунда муассасамизда тиббий-профилактика тадбирларини юқори савияда ташкил этиш баробарида касалликларга ташхис қўйиш ва самарали даволашда энг сўнгги технологиялардан фойдаланмоқдамиз. Шифокорлар ва ҳамшираларнинг билим ва кўникмасини бойитиш мақсадида етакчи мутахассислар иштирокида доимий ўқув-услубий семинарлар, машғулотлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётди.

Байрам тадбири таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова иштирок этди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

«Kamalak yulduzlari — 2014»

Қарши шаҳрида «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шахар ва туман босқичларида сараланган тўрт юз нафарга яқин ўғил-қиз қатнашди.

ИСТЕЪДОД ФУНЧАЛАРИ ЮЗ ОЧДИ

Улар мумтоз ва миллий чолғулар ижрочилиги, қўшиқ ва рақс, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм каби олти йўналиш бўйича маҳоратини намойиш этди. Болаларнинг ижодий ишлари ва саҳна чиқишларини ҳузатиб борган ҳакамлар қайъати аъзолари энг сара ижодкор ёшларни аниқлаб борди.

— Фестиваль жуда қизиқarli ўтди, — дейди рақс йўналиши ғолиби, Қарши шаҳридаги 21-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Гулойим Очилова. — Бу ерда тенгдошларим ижросидаги турли миллат рақсларини томоша қилдим. Кўпга дўстлар орттирдим. Келгусида ўзбек миллий рақсларини жаҳонга тарғиб этишда ўз хиссамни қўшмоқчиман.

«Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг Сурхондарё вилояти босқичи ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди. Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтган ижодий беллашувда воҳанинг уч юз нафардан ортиқ ўқувчилари қатнашди.

Фестивалнинг энг ёш иштирокчиси деб топилган Қизилқум туманидаги 18-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Муҳтарам Эшдавлатова шеърят ихлосманди. Унинг шеърятга қизиқиши ушбу танловга етаклади. Интилишлар самарасиз кетмади, у танловнинг шеърят йўналиши ғолиби деб топилди.

Истеъдод фанчаларининг ҳар бир чиқиши эътибордан четда қолмади. Энг яхшилари танловнинг якуний — республика босқичида қатнашади.

Шавкат КАРОМОВ,
Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбирлари

Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari

Халқ манораати — бирламчи

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигида Шайхонтоҳур, Чилонзор, Юнусобод, Яккасарой туманлари раҳбарлари иштирокида матбуот анжуманлари ўтказилди.

Жорий йил Чилонзор туманида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларини яратиш дастури доирасида 6989та янги иш ўрни яратилди. 2014 йилнинг уч чораги мобайнида Тошкент шаҳар диспетчерлик хизматида туман аҳолисидан 1527та мурожаат келиб тушган. Шундан 1490таси ҳал этилган. Чилонзорда республикамиз туманлари орасида

биринчи диспетчерлик хизмати ҳам ташкил этилган. Бу эса аҳолига қулайлик яратмоқда.

Туманларда академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур туманида 4225 нафар битирувчининг 2799 нафари, Юнусобод туманида 2429 на-

фар битирувчининг 1745 нафари, Чилонзор туманида 5004 нафар битирувчидан 3522 нафари, Яккасарой туманида 1074 нафар битирувчининг 796 нафари иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан Шайхонтоҳур туманида уч миллиард 162 миллион сўм маблағ ҳисобига иккита умумтаълим мактаби, Яккасарой туманида икки миллиард 396 миллион сўм маблағ ҳисобига биттадан умумтаълим ҳамда мусиқа ва санъат мактаби таъмирланиб, керакли ўқув ва лаборато-


рия жиҳозлари, компьютер синфлари билан таъминланди. Шайхонтоҳур туманида янги мусиқа ва санъат мактаби, усти ёпик сув ҳавзаси барпо этилмоқда. Чилонзор туманида болаларни спортга йўналтириш мақсадида дам олиш кунлари ҳар бир маҳалладаги футбол майдончаларининг бепул иш олиб бориши учун шароитлар яратилган.

Бошқа туманларда бўлгани каби Шайхонтоҳур, Чилонзор, Юнусобод, Яккасарой туманлари ҳокимликларида ҳам аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар дастури тузилган. Уларнинг ижроси юзасидан туманлардаги кўп қаватли уйларнинг том ва ертўлаларида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жавлон ВАФОЕВ,
«Turkiston» мухбири

Дилнора Юсупалиева:

« ЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИДА ҚАТНАШМОҚЧИМАН »



Рустам Назарматов олган суратлар

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

— **Кимёсиз тиббиёт, sanoat, умуман, ҳеч бир соҳани тасаввур этиб бўлмайди. Масалан, сизга берадиган саволларни ёндафтарга ёзаётиб, бирдан ҳаёлимга келди: оддийгина ручка ҳам кимё саноатининг маҳсули! Бизни қизиқтирган биринчи савол шу: қачон, қандай қилиб сиз бу сеҳрли фанга қизиқиб қолдингиз?**

— Ота-онам шифокор. Ҳар гал уларни оқ халатда кўрганимда бу касбга меҳрим ортарди. Ҳузурингга шифо истаб келган инсон дардига дармон бўлишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Уйимиздаги суҳбатлар асосан тиббиёт мавзусида бўларди. Уларни тингларканман, мен ҳам ота-онам изидан боришга аҳд қилганман. Тўғри айтдингиз, тиббиётнинг асосини кимё ташкил этади. Табиатдаги барча элементлар, биз истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари эгнимиздаги турфа кийимларнинг таркиби, шунингдек, касалликларнинг келиб чиқишидан тортиб, сувнинг музлашигача бўлган барча жараёнларни кимё фани ўрганади. Умуман олганда, кимёни ҳаёт ҳақидаги фан дейиш ҳам мумкин.

Бешинчи синфданок кимё фани тўғра-рагига қатнай бошладим. Фан мазмунини тушунганим сари янада кўпроқ билишга, ўрганишга ҳаракат қилдим.

— **Кимёни ўрганишда кўпроқ нималарга эътибор қаратасиз?**

— Кимё биология, математика, тарих каби фанлар билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, уни яқка ҳолда ўрганиб бўлмайди. Масалан, илк мартаба ибрит моддаси қачон ва қаерда қўлланилганини билиш учун тарихга мурожаат этиш керак. Ёки бўлмаса, кимёвий масалаларни математик бирикларсиз ечиб бўлмайди. Фан олимпиадаларига тайёрланганда кимёдан ташқари бошқа фанларни ҳам пухта ўрганишга ҳаракат қилганман.

— **Жорий йилда Москва шаҳрида бўлиб ўтган 48-Халқаро Менделеев олимпиадасида қатнашиб, бронза медалга сазовор бўлдингиз. Шундай натижага эришиш осон бўлмагандир?**

— Албатта. Туман, шаҳар ва республика фан олимпиадаларида муносиб қатна-

шиб, ушбу халқаро олимпиада йўлланмасини қўлга киритдим.

Халқаро Менделеев олимпиадаси иккита назарий ва битта амалий босқичда бўлиб ўтади. Бу йил ушбу беллашувда ўн олти давлатдан юз нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этиди. Биринчи турда саккизта масалани ечиш учун беш соат ажратилди. Унчалик қийналмадим. Чунки бу каби масалаларга олдин ҳам дуч келганман. Иккинчи босқичда бироз мураккаб — аналитик кимё, биокимё, анорганик кимё, органик кимё ва физик кимёдан масалалар тушди. Охирги босқич амалий лаборатория иши бўлди. Очиғи, бу босқичда жуда ҳаяжонландим. Бирок, лицейда олган билимларим айна шу дамда ёрдам берди. Фанда бундай ютуқларга эришишимда устозларим Саидақром Саидумаров, Елена Деляридининг ҳиссалари катта. Ва албатта, давлатимиз биз, ёшларга юксак ғамхўрлик қилмаганида, ўйлайманки, жаҳон майдонларида ўзимизни намоён этишимиз мушкул бўларди. Бугун қайси соҳани олманг, ёшлар ўз иқтидорини намоён этишлари учун барча шароитлар яратилган. Биздан ўқиб, ўрганиш талаб этилади, холос.

— **Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги биринчи академик лицейда таълим олиш баробарида у ердаги «Кимё олимпиадаси» тўғрагини бошқарар экансиз. Кимё фанини чуқур ўрганиш учун лицейда қандай шароитлар мавжуд?**

— Лицейимиздаги фан кабинетлари зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар дарс жараёнида бизга асқотади. Шунингдек, дарсдан ташқари вақтларда «Кимё олимпиадаси» тўғрагида қўшимча машғулотлар олиб бориш имконияти бор.

— **Юртимизда илмли ёшларнинг кўплиги бежиз эмас. Биз дунё фанларининг ривожланишида бекиёс ўринга эга бўлган Муҳаммад Нусо Хоразмий, Ибн Сино, Абу Абдуллох Хоразмий, Беруний, Мирзо Улуғбек каби буюк алломаларнинг авлодимиз. Ушбу буюк аждодларимиз номини кўп такрорлаймиз, таржимаи ҳолларини биламиз. Лекин уларнинг илмий мероси ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Тенгдошларимизни ана шундай**

бебаҳо маънавий меросдан самарали фойдаланиш, пухта ўрганишга қандай илҳомлантириш керак деб ўйлайсиз?

— Абу Али ибн Синони аввалига фақат тиббиёт соҳасидаги етук олим сифатида билганим учун асарларини қизиқиб ўқиганман. Кейинчалик билдимки, у зот бошқа кўпгина фанларнинг ҳам билимдонни, тасаввур қилганимдан юксакроқ мақомдаги донишманд инсон экан. Мен Беруний асарларининг ҳам мухлисман. Биласизми, у машҳур асарларидан бирининг муқаддимасида нима дейди? Бу ишга (у илмий тадқиқотини назарда тутаяди) киришар эканман, ниҳоятда мушкул ишни бошлаб кўйганимни англадим, дейди. Лекин шундан бошқа мақсадга элтадиган йўл борми? Йўқ. Мен машаққатдан қочмадим ва мақсадимга эришдим. Улуғ алломанинг ушбу сўзларини биз, бугунги авлод вакиллари ўзимиз учун ибрат қилиб олишимиз керак.

Аждодларимиз кимё фанини ҳам қадимдан ўрганган. Бухоро шаҳри яқинидаги Пойкент манзилгоҳидан VIII асрга тааллуқли кимё лабораторияси топилгани бунга яққол мисолдир. Абу Наср Форобий, Абу Абдуллох Хоразмий, Абу Али ибн Сино асарларида кимёга доир қимматли маълумотлар учрайди. Жумладан, Абу Абдуллох Хоразмийнинг «Билимлар калити» китобида кимёга алоҳида бўлим ажратилган бўлиб, унда турли моддалар, асбоблар, тажрибалар тўғрисида қимматли маълумотлар берилди. Абу Али Хоразмий эса алкимё фани тажрибаларида қўлланилган тарозига аҳамият беради. Абу Али ибн Сино «Ал-қонун» китобида ўсимлик, ҳайвонот олами, минераллар, тузлар, кислоталар, ишқорлар, металллар, оксидлар ва бошқа бирикмаларнинг 750дан ортиқ турини таснифлаган. Ибн Сино алкимёгарларнинг хатосини аниқлаб, оддий металллардан нодир металл, жумладан, олтин олиб бўлмаслигини биринчи бўлиб ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан исботлади.

Аждодларимизнинг илмий мероси ҳақиқатан ҳам бебаҳо. Уни ўрганиш, бугунги даврда аҳамиятли бўлган муаммоларнинг ечимини излашда татбиқ этиш бурчимиз. Ҳозирги кунда мен мамлакатимиз кимё саноатида долзарб бўлган сув қаттиқлигини бартаграф этишининг реагент усуллари ҳамда озон «тешиклари» муаммоси юзасидан тадқиқот олиб бораётган.

— **Ўзбекистонда кимё саноатини ривожлантириш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш ва бу борадаги олиб борилаётган илмий тадқиқотлар кўламини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу ҳақда фикрингиз.**

— Мамлакатимиз табиий ресурсларга бой. Улардан оқилонга фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар, лойиҳалар эътиборга молик. Ўзбекистонда саноат аҳамиятига эга минерал хомашё базасини ривожлантириш, рудали ҳудудларни тадқиқ қилиш, захираларни аниқлаш ва геология-қидирув ишларига замонавий технологияларни жорий этиш асосий вазифалардан этиб белгиланган. Бу борада «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси фаолияти ҳам диққатга сазовор. Компания Ўзбекистон Республикаси кимё корхоналарини бирлаштирувчи ягона корпоратив тизимдир. У кимё корхоналарининг ишлаб чиқариш, инновацион ва маркетинг дастурларини тузиш, амалга ошириш ва шу орқали кимё соҳасининг ривожланиши учун шарт-шароит яратаяди. «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи ўн тўртта саноат корхонаси 170дан

ортиқ кимёвий маҳсулот турларини ишлаб чиқармоқда.

Ҳозирда юртимизда «Максам-Чирчик», «Навоийазот», «Фарғонаазот», «Аммофос», «Самарқандкимё» каби бир қатор кимё саноат корхоналари фаолият юритмоқда.

«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимида фаолият юритувчи «Ўзкимёсаноатлойиҳа» очик акциядорлик жамияти лойиҳалаш институти, Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институтида бу саноатни ривожлантириш йўлида қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

— **Яқинда «Ўзбекистон фарзандларимиз» номли шеърий тўпламингиз нашрдан чиқди. Бу билан сизнинг бадиий ижодга меҳрингиз ўзгача эканини кўрдик. Немис, инглиз ва рус тилларини ҳам биласиз. Ҳамиша изланишдасиз. Сизнинг илм-фан ва ижодга қандай вақт ажрата олишингиз бизни қизиқтиради. Вақтин йўқ, ишим кўп, дейди-ю, аслида, оддийгина рефератни ўзи жон куйдириб, изланиб ёзмасдан, интернетдан тайёрини кўчириб, баҳо олиб ўқиб (тўғрироғи, «ўқигандай бўлиб») юрганлар ҳам кўп...**

— Шеърий тўпламим ҳақида гапирдингиз, аввало шу ҳақда сўзласам. Менимча, ҳар бир инсон юрагида адабиётга муҳаббат бўлади. Мактабда бир тўполончи синфдошим бўларди. Унчалик яхши ўқимасди, лекин ўзича шеър, қўшиқни яхши кўрарди. Бугун ўйлайманки, унинг ҳам қалбига эзгуликка интилиш кучли бўлган. Шеърятга қизиқшим менинг ҳам эзгуликка интилишим, сўз санъатига бўлган меҳримнинг ҳосиласидир. Адабиёт ва кимё ўртасида ажиб ўхшашликни кўраман. Бир ҳаёт, инсон ва унинг ички кечинмаларини сўз ёрдамида ифодаласа, бошқаси борлиқни моддалар орқали ифодалайди. Шу боис кимё фанини ўрганиш ҳам, ижод қилиш ҳам менга бирдек завқ бағишлайди. Шеърятга қизиқишни менда лицейдаги она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шоира Шойимова уйғотган. Бир куни дарсда устозим Ватан ҳақидаги шеърни шундай таъсирли ва ифодали ўқиб бердики, қалбимда илиқ туйғулар жўшиб кетди. Кўлимга қалам олиб «Мен туғилган тупроқ» деб номланган биринчи шеъримни ёздим...

Чет тилларни ўрганиш замон талаби. Ҳозир кимё фанига оид хорижий адабиётлар билан бемалол таниша олам. Интернет орқали жаҳон кимё саноатида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликларни мунтазам кузатиб бораман.

— **Очиғини айтганда, сизнинг қайси соҳани танлашингиз ҳақида жуда ўйланиб қолдим. Чет тилларни биласиз, адабиётга қизиқасиз, кимё фанини пухта ўрганаёсиз, болалигингиздан шифокорликка меҳр қўйгансиз...**

— Бутун жаҳон кимё олимпиадасида қатнашишни олдимга мақсад қилганман. Олий таълим муассасасида ўқиб, болалар шифокори бўлмоқчиман. Шу билан бирга, ҳозирда давоси топилмаган касалликларга қарши дори препаратларини ишлаб чиқиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда ўзимнинг ҳиссамни қўшиш ниятим бор. Шу ниятларимга эришсам, ўйлайманки, юртимиз раванкига муносиб ҳисса қўшган бўламан.

«Turkiston» муҳбири
Назokat ҚУРБОННИЕЗОВА
суҳбатлашди.



E'tibor

Маданият Ва санъат маркази

Истеъдоғ соҳиблари учун янги имкониятлар яратмағу

Пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»-да ташкил этилган Ёшлар маданият ва санъат марказининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари, иқтидорли ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги «Ёшлар маданият ва санъат маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган мазкур марказнинг асосий вазифалари иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ёрқин намуналарини оммалаштириш, ўғил-қизларнинг бадиий-эстетик диди ва савиясини тўғри шакллантириш, турли концерт, фестивал, кўрик-танлов, маданий шоу-томоша тадбирларини ўтказишдир. Маданият ва санъат соҳасидаги танлов, фестивал, турли лойиҳаларнинг ғолиб ва совриндорлари, энг яхши иштирокчиларнинг кейинги фаолиятини самарали ташкил этиш, улар учун ижодий майдон яратиш, илмий-ижодий конференция, симпозиумлар, маҳорат сабоқларини ташкил этиш ҳамда жаҳон ва мил-

лий мусиқа санъатимизнинг энг нодир намуналарини кенг тарғиб этиш ҳам марказ фаолияти йўналишларидан ҳисобланади.

Марказнинг йирик лойиҳаларидан бири «Эътироф» кўрик-танловидир. Тадбирда мазкур танловнинг тақдирлаш маросими ҳамда «Куйла, ёшлигим», «Овоз» телелойиҳалари, «Сен—истеъдодлисан», «Болалик олами» каби кўрик-танлов ва фестиваллар ҳақида маълумот берилди.

— Айти пайтда «Эътироф — 2014» кўрик-танловини кенг миқёсда ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди Ёшлар маданият ва санъат марказининг ахборот хизмати ходими Абдусалом Сиддиқов. — Бу йилги танловда янгиликлар кўп. Ўтган йили йигирма учта номинация бўйича ғолиблар аниқланган бўлса, жорий йилда уларнинг сони ўттизтага яқинлашади. Танловнинг ҳар бир йўналиши бўйича вазирлик ва ташкилотлардан бешта номзод олинади. Номзодлар орасидан учтаси ташкилий кўмита аъзола-

ри томонидан саралаб олинади. Ғолиблар эса SMS тарзида овоз бериш йўли билан аниқланиб, уларнинг номлари 26 декабрь куни бўлиб ўтдиган «Эътироф — 2014» танловининг тақдирлаш маросимида эълон қилинади. Марказ томонидан кўплаб лойиҳалар тайёрланган. Масалан, 2015 йилнинг январь ойида бўлиб ўтиши режалаштирилган профессионал санъаткорлар ўртасидаги «Йил кўшиғи — 2014» сарҳисоб концерт дастурида йилнинг энг яхши кўшиқлари аниқланади.

Ушбу марказнинг ташкил этилиши, ёш ижодкорлар учун айти муддао бўлди. «Куйла, ёшлигим» лойиҳаси ҳам эндигина санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар учун тақдим этилган.

— Ёшлар маданият ва санъат марказининг ташкил этилиши, мен каби ёш ижодкорлар учун яна бир имкониятдир, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Абдор Жалилов. — Марказнинг турли лойиҳаларида қатнашиб, ўз билим ва маҳоратимизни намоён этамиз. Ўзбек маданияти ва санъатининг ўлмас асарларини бутун дунёда тарғиб этишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Тадбир давомида ёш дизайнер Малика Сайфуллаева талқинидаги «Кунсулув» ҳамда «Менинг атлас кўғирчоғим» номли қорақалпоқ ва миллий болалар либослари мода намоиши бўлиб ўтди.

Истеъдодли ўғил-қизларга қанот бўлишга бел боғлаган марказнинг мақсадлари улкан. Муҳими, четда қолманг, лойиҳалар иштирокчисига айланинг! Мақсадлар рўёбини эса биргаликда кузатамиз.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.
Носир Хайдаров
олган суратлар.

Yetakchilar forumi

Етакчиларни кўпроқ изланишга чорлайди

Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида Ҳаракатнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчиларининг II республика форуми бўлиб ўтди. Унда 10 нафар тренер 75 нафар етакчига турли мавзуларда ўқув машғулоти, маҳорат дарсларини ўтмоқда.



Етакчилар бошланғич ташкилот фаолияти ҳақида ўзаро фикр ва тажриба алмашиб, Ҳаракатнинг келгуси вазифаларини белгилаб оляпти.

Тадбирини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев очиб берар экан, бу галги Форум аввалгисидан ҳам самаралироқ ва таассуротларга бой ўтишини таъкидлади.

— Ҳаракат фаолиятининг қанчалик самарали кечиши, сизнинг интилишингиз, ташаббус ва таклифларингиз, бир сўз билан айтганда, жамоа билан ишлашдаги билим ва маҳоратингизга боғлиқ, — деди Б.Фаниев.

Шундан сўнг ёшларга оид давлат сиёсатини акс эттирувчи видеороликлар намоиш этилди. Фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Айти пайтда етакчилар «Оммавий тадбирларни ташкил этиш технологияси», «Вақтни бошқариш кўникмасини шакллантириш», «Ёшлар ўртасида психодиагностик сўровномалар ташкил этиш», «Лойиҳалар ишлаб чиқиш» бўйича семинар-тренингларда иштирок этмоқда. Семинарлар давомида улар бошланғич ташкилотларнинг намунавий иш режаси ва тизимда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ҳужжатлар тўпламини ҳам тайёрлайди.

— Гуруҳларга бўлиниб, «Заковат» интеллектуал ўйинида қатнашяпмиз, — дейди «Билимдонлар» жамоаси аъзоси, Ҳаракатнинг Андижон машинасозлик институти бошланғич ташкилоти етакчиси Илҳомжон Қобулов. — Бу каби ўйинлар бизнинг шу пайтга қадар олган билимларимизни ўзига хос синовдан ўтказиши билан аҳамиятли. Номини ўйин бўлгани билан, унинг замирида жиддийлик мужассам. Шу тариқа, биз, етакчилар ўз устимизда янада кўпроқ ишлашимиз лозимлигини билиб оляпмиз.



Рустам Назарматов олган суратлар

II республика форумида «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичи ўтказилиб, унда иштирокчиларнинг депутатлар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши экспертларидан таркиб топган ҳайъат аъзолари олдига йиллик фаолиятлари тўғрисида тақдироти ўтказилади. Танлов якунида уч нафар энг намунали бошланғич ташкилот ва унинг етакчилари тақдирланади.

Форум якунида эса қатнашчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига ташрифи ҳам режалаштирилган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчиларининг II республика форуми тафсилотлари билан газетамизнинг навбатдаги сонидан кенгроқ танишасиз.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Harakat ko'zguisi

Чемпионлар ўқувчилар даърасига

Мўйноқ туманидаги 2-умумтаълим мактабида Ҳаракатнинг туман кенгаши ташаббуси билан «Биргаликда «Камолот» сари» акцияси ташкил этилди.

Тадбир доирасида спортда юқори натижаларга эришган тенгдошларимиз ўқувчилар билан учрашди. Самимий руҳда кечган суҳбат асосида кўпчилик ўғил-қизларда спортга қизиқиш, чемпионларга ҳавас уйғонди.

— Шу пайтгача кўпгина хориж давлатларида бўлиб, нуфузли мусобақаларда қатнашдим, — дейди боксчи Қаллибек Исломов. — Ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўзига хос жиҳатла-

ри бор. Лекин Ўзбекистон ҳаммасидан бошқача! Юртимиз байроғи баланд ҳилпираганда, мадҳиямиз янграгандаги ҳиссиётни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Қайси соҳада бўлмасин, интилиш, устозлар ўғити-га амал қилиш албатта, яхши натижаларга элтади.

Учрашувда спортчилар ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи, муҳим ишларга вақтни қандай тақсимлаш, профессионал спортчи бўлиб етишиш борасидаги саволларига ҳам жавоб бердилар.

Озода РЎЗИМОВА,
Қорақалпоқ давлат университети талабаси

Мактабга тайёрлайдиган муҳим манба

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Мактабгача таълим мамлакатимизда яратилган узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичидир. У бола шахсини ривожлантириш, соғлом ўсиши, ҳар томонлама камол топиши учун таянч вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда республика-миздаги 4950та мактабгача таълим муассасасида 581,5 минг нафардан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда. Бу 2—7 ёшли болаларнинг салкам 24 фоизини ташкил қилади. Янги қўлланмалар мактабгача таълим муассасаларига ҳозирча жалб этилмай қолган болаларни мактабга давлат талаблари асосида, сифатли тайёрлаш имконини беради.

Масалан, «Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш» китоби ёрдамида бола босма ва ёзма ҳарфларни бир-биридан фарқлаш, сўзларни товуш ва бўғинларга ажратиш, шеър ёдлаш, эртак ва ҳикояларни эшитиб, мазмунини сўзлаб



берилган. «Математик тасаввурларни шакллантириш» қўлланмасида эса болани сон ва санок, содда геометрик шакллар билан таништириш, вақт ва фазо ҳақидаги илк тасаввурлар ҳосил қилиш бўйича керакли тавсиялар берилган. Шеър ва насрий асарлар тўпламлари ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Зеро, тўпламларни яратишда иштирок этган малакали педагоглар жамоаси ота-оналар учун 5—7 ёшли болаларнинг ёши

ва психологик хусусиятига мос, муҳими, тарбиявий аҳамияти юқори бўлган бадиий асарларни саралаб берди.

— Қизим кейинги йилдан мактабга боради, — дейди Зангиота туманидаги «Иқбол» маҳалласида истиқомат қилувчи Барно Ҳожимиёрова. — Биз учун махсус қўлланмалар ишлаб чиқилгандан хурсандман. Адабиётлар билан танишиб чикдим. Уларда фарзандим мактабгача эгаллаши зарур бўлган билим ва кўник-

малар жамланган. Сифатли ва дид билан ишланганини айтмайсизми! Ҳар бир мавзу рангли расмлар, халқ оғзаки ижодиёти намуналари билан бойитилган бўлиб, боланинг онгига осон сингади. Шундай қулайликларни муҳайё этган давлатимизга раҳмат.

Зангиота туманида 68та мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Олти минг нафарга яқин мактабгача ёшдаги бола оилада тарбияланади. Мазкур ҳудудга тўрт мингта қўлланмалар тўпламини етказиб бериш кўзда тутилган. Дастлабки 22таси «Иқбол» маҳалласидаги оилаларга тарқатилди.

— Тўпламларни мактаб кутубхонасидан бир йил муддатга бепул ижарага олиш мумкин, — дейди Зангиота тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мактабгача таълим услубчиси Мактуба Гофурова. — Қўлланмалардан самарали фойдаланиш бўйича амалий семинарлар ўтказяпмиз. Бунда педагоглар ота-оналарга ўз тавсия ва маслаҳатларини берапти.

Ота-оналар учун илк қўлланмалар тўплами «Болажон» таянч дастури асосида яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур дастур юртимизда болаларни мактабга тайёрлашнинг концептуал манбаси ҳисобланади.

— Тайёрланган барча қўлланмалар «Болажон» таянч дастурининг муҳим компонентларини ўз ичига қамраб олган, — дейди Зангиота туманидаги 62-мактабгача таълим муассасаси мудирини Лола Қорабоева. — Уларда бола мактабгача таълим муассасасида оладиган билимларнинг қаймоғи жамланган, деса ҳам бўлади. Бу эса ота-онага фарзандини мактабга тўғри тайёрлашда жуда қўл келади.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.
Рустам Назарматов
олган суратлар

Navqiron avlod so'zi

Ўқияпман, ўрганяпман, англаяпман

Ҳар тонгни соғинч билан қаршилайман. Бугун мени нималар кутяпти? Ўзим учун қандай янгиликларни кашф этаман? Кўёш кўкка кўтарилган бошлаган чоғда қадрдон даргоҳим — Қўқон сервис ва тадбиркорлик коллежи сари шошиламан.

Коллежимизда 733 нафар тенгдошим бухгалтерия, электр жиҳозларини ва тармоқларини монтаж қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича техник-электрик, ёнилғи қуйиш шохобчаларига сервис хизмат кўрсатиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик йўналишларида таҳсил олмақда. Биз учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Мавжуд устaxonаларда ўз йўналишимиз бўйича маҳоратимизни оширишимиз, замонавий спорт зал ва стадионда шуғулланиб, саломатлигимизни мустаҳкамлашимиз мумкин.

«Камолот» ЁИХ ва Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари фаолияти яхши йўлга қўйилган. Уларнинг ташаббуси билан биз, ўқувчилар нафақат коллежимиз, шу билан бирга шахримиз миқёсидаги тадбирларда ҳам фаол иштирок этамиз. «Ораста қизлар» тўғараги ўтказадиган турли беллашув

ва мушоиралар таълим муассасамиз ўқувчи ва ўқитувчилари эътиборини қозонди. Барча ўқувчи қизлар унда қатнашиш истагини билдирмоқда.

«Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан ҳар ҳафта ташкил этиладиган «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!», «Ёшлар экоҳаётни танлайди!» мавзуларидаги семинар-тренинглар, «Мунозара» тўғарагида ташкил этиладиган муҳокамалар тенгдошларимизнинг мустақил фикрлаш, мушоҳада қилиш қобилиятларини ўстиришга хизмат қиляпти.

Илм даргоҳимизда биз, ўқувчиларнинг ташаббусларимиз ҳар доим қўллаб-қувватланади. Фикр ва таклифларимиз инobatга олинади.

Масалан, мен ўз интилишим билан Ҳаракат томонидан ташкил этилган турли танлов, анжуман, семинар-тренингларда фаол иштирок этиб келяпман. Бу менга жамиятда ўз ўрним-

ни топишимга ёрдам бермоқда. Турли тадбирларда истеъдодли тенгдошларим, шоир, ёзувчи, санъаткор, олимлар билан мулоқотлардан олам-олам завқ олиш билан бирга кўп нарсани ўрганяпман. Фикрлашим, дунёқарашим кенгаётганини ҳис қиляпман. Буларнинг барчаси учун «Камолот»дан миннатдорман.

Ҳаракат томонидан ўтказилган лойиҳалар орқали Қашқадарё, Андижон, Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимизда бўлдим.

Айни пайтда Қўқон шаҳрида фаолият юритаётган «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тарғибот гуруҳи тренериман. Бу мен учун жуда ҳам масъулиятли вазифадир. Ёшлар билан суҳбатлашиш учун кишида фақат билим ва кўникманинг ўзи кифоя қилмаслигини англаяпман. Тенгдошларим орасида эркин фикрлайдиган ва энг муҳими, ўз фикрини очик ва дадил билдира оладиган йигит-қизлар кўп. Улар билан роҳатланиб гаплашасан, киши. Ўз навбатида ҳар гал тарғибот тадбирида бирор янги гап айтишга, қизиқарли ва таъсирли маълумотларни келтиришга интиляпман. Бу кишидан тинимсиз ўқиб-ўрганишни талаб қилади албатта. Шу боис устозларим кўмагида билимимни мунтазам оширишга ҳаракат қиламан.

Азизахон АХМЕДОВА,
Қўқон сервис ва тадбиркорлик касб-хунара коллежи ўқувчиси

Ma'rifat

Аслида ҳеч бир ҳодиса сабабсиз рўй бермайди. Масалан, гиёҳвандлик балосига йўлиққан кишиларни олайлик. Улар бирданига гиёҳванд бўлиб қоладими? Нега юксак маънавиятли, яхши ниятли, ҳалол-пок инсонларнинг фарзандлари бу каби иллатлардан йироқ юради-ю, мол-дунёга муккасидан кетиб, таълим-тарбия, маънавиятга «иккинчи даражали масала» сифатида қарайдиган, лоқайд кишиларнинг жигаргўшалари орасидан кашандалик, ичкиликбозлик сингари иллатларга чалинганлар кўпроқ чиқади?..

Иматлардан йироқ бўлайлик

Навоий вилоятидаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Жаҳолатга қарши — маърифат» номли кўрик-танлов шаклидаги маънавий-маърифий тадбирдан кўзланган мақсад ёшларга ана шу иллатнинг аянчли оқибатларини кўрсатиб бериш, улардан огоҳ этишдир. Яқинда Навоий шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказида мазкур кўрик-танловнинг якуний — вилоят босқичи ўтказилди.

Унда вилоятдаги ўттизга яқин таълим муассасасининг ўқувчи-ёшлари тасвирий санъат, иншо ёзиш, шеърят йўналишларида ўз билим ва иқтидорларини намойиш этди. Ижодий ишларда ўғил-қизлар гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ва унга элтадиган йўлларни бадиий образлар орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Тадбирда вилоят «Баркамол авлод» болалар марказида билим ва маҳоратини ошираётган ўқувчилар тайёрлаган бадиий чиқишлар ёшларни яна бир бор сергакликка чорлади.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» мухбири



Biznesga ilk qadam

Шахзод Худойбердиев Шўрчи қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини битириб, тadbirkor бўлди. Ҳозир туманда асаларичилик хўжалигини юритмоқда. Жорий мавсумда қарийб 800 килограмм асал олди.

— Фаолиятимни эллик кути асаларини парвариш қилишдан бошлаганман, — дейди ёш фермер. — Аста-секин тажриба ошириб, хўжаликни кенгайттирдим. Асаларичилик баракали иш. Йилига ўртача

20 миллион сўм даромад кўряпман. Фермада икки нафар ўзимга ўхшаган ёш йигит иш билан банд. Кейинги йилдан янги турдаги маҳсулот — асалари уйларини ясашда қўлланилувчи варшина тайёр-

лашни мўлжаллаб турибман. Шу мақсадда тенгдошимиз яқинда «Ёш тadbirkor — юртга мадакор» кўрик-танловида қатнашиб, голиб бўлди. Энди у «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тавсияси билан банкдан имтиёзли микрокредит олиш имкониятига эга.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Bilasizmi?

ОТ ВА ТУЯЛАРДАН КОСМИК КЕМАЛАРГАЧА


Одамзот неча-неча линг йиллардан бери от, тўя, фил каби жониворлардан транспорт воситаси сифатида фойдаланиб келади. Автомобил, самолёт, космик кемалар кашф қилинган ҳам бу жониворлардан воз келишни йўқ.

Дарҳақиқат, бугунги ҳаётимизни транспортсиз тасаввур қилиш қийин. Узоғимизни яқин қилувчи бундай дастёрларнинг тарихи жуда қизиқ. Шу хусусда айрим қизиқарли маълумотларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Замонавий транспорт воситалари ҳали пайдо бўлмасдан, баъзи мамлакатларда шаҳарлараро дилижанс-почта араваларининг қатнови йўлга қўйилган эди. Улар йўловчи ва юкларни ташишга хизмат қилган.

Биринчи буг кемаси 1807 йили Р.Фултон томонидан барпо этилди. У «Клермонт» кемаси деб аталган. Мазкур сув транспорти АҚШнинг Олбани ва Нью-Йорк шаҳарлари орасида қатнаган.

1783 йили Францияда инсоният тарихида биринчи бор ҳаво шари — монголфьерда парвоз амалга оширилди.



Темир йўл XIX аср ихтиросидир. Ушбу транспорт тури дастлаб Европа ва Шимолий Америкада расм бўлди. 1869 йили темир йўл излари АҚШ ҳудуди бўйлаб ётқизилди.

Озода РЎЗИМОВА тайёрлади.

Sudoku

	6	8	7					
5	1		4	9		3		
							6	
9	2			5	7		1	
	7				6			
6	5	9				8	3	
8								
	6		7	9	5		8	
			8	3	4			

2						8	1	
	5	6						6
	9							
	1		2					4
	3	8	9	4	1			
6		5				9		
9						6		
					9	7	3	
	7	4						5

			1	3				9
		4						6
	2				5	1		
8			5				1	
9	2					6	4	
6			7				5	
	4	3				9		
7				5				
5		8	3					

	3	6		2			7	
		5						2
	2				9			
8	5	2				1		
	4	6	9	3				
	2		8	5	9			
		1				6		
5				4				
	6	1			2	9		

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Nigoh

Тийрамоҳ қаноғида мезон чарх урар

Совуқ куз ёмғирлари ёғиб ўтди. Дарахтларнинг барглари уларга жўр бўлди...

Тоғлар ортидан кўтарилиб келаётган қуёш мулойим табассум билан боқиб, тунд пардани кўтаради. Бу ўткинчи ҳолат дегандай бўлади. Буталарга илиниб қолган мезонлар уни олқишлаб, узун ипларини ҳилпиратади...

Кузда йиғиштириб олинмай қолган экинлар ёмғирга, бироз ёғмай тургин, бизни эгамиз йиғиштириб олсин, деяётганга ўхшайди. Намгарчилик исканжасида қолган зироатчи жонини жабборга бериб, ҳа бўл, ҳа бўл дейди. Лекин ишнинг унумидан дарак йўқ. Буни кузатиб турган бутадаги қуш шу вақтгача соя-салқин жойлардан вақтинг бўшамади, энди ўшанинг товонини тўлаяпсан, деб кўяди...

Баҳорини кўрмаган йилнинг кузини тушунмайди, дейди ҳазрат Навоий. Хирмонлар тўла дон, саватларда нон, омборларда ноз-неъматлар... Бу кузнинг саховати, лекин ношукрлар ҳам йўқ эмас, куз деганда ёмон хаёлларга бериладиган...

Ола ҳаққа боғбоннинг боғидан ёнғоқ ўғирлаб, дуч келган жойга кўмди. Кейин излаб тополмай фиғони кўкка чиқди. Унингча, куз шамоллари ўлжасини учириб кетган эмиш...

Турналарнинг «қурей-қу-

рей»лари эшитилади. Улар иссиқ ўлкаларга учиб кетмоқда. Табиат қонунини бузадиган жонивор ҳали учраган эмас. Улар учиб ухлайди, учиб овқатланади, учиб ўзларини балолардан асрайди...

Юзларга мезоннинг илик иплари урилади. Гўдак нафасидай бирам ширин... Бу нафас одамни фориг қилади дардлардан...

Куз, истиқболим қиш, деб табиатга алвидо айтаётгани йўқ. У ер бағрига уруғни ташлар экан, умид уруғини ҳам кўшиб кўймоқда. Эртага бу уруғ униб чиқиб, кузнинг номини абадийликка муҳрлайди...

Бир боғбон айтган экан: «Агар ҳаётдан кўз юмсам, кафтимга ўрик данагини кўшиб кўминлар, баҳорда униб чиқаман».

Ҳар тийрамоҳ фаслида шу боғбоннинг сўзлари эсимга тушади...

Пардабой ТОЖИБОВ



Зукко мухлисга савол:

Ғунчадек қўнғлум менинг гулзор майли қилмағай,

Ғам била бутган қўнғул гулгашт ила очилмағай.

Сендин айрилдим эса бўлди насибам хори ғам,

Сендин, эй гул, эмди ... бир замон айрилмағай.

Ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намоёндаларидан бирининг қаламига мансуб ғазалдан келтирилган мазкур парчадаги уч нуқта (...) ўрнига зарур сўзни қўйинг.

Жавобингизни 14 ноябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Павел Бугало.

Кумқўрғон туманидан Турсунбек Жўраев тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур қилмондан бир қатра

Комил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди.

Абу Райҳон Беруний